

УДК 37.02

**Қаҳҳорова Матлуба Манафовна,  
фалсафа фанлари доктори, профессор, Халқаро Ислом  
Академияси**

**Нурматова Ирода, мустақил изланувчи,  
Фарғона давлат университети**

**ЖАДИДЧИЛИК ТАЪЛИМОТИДА ЖАМИЯТ МУҲИТИНИ  
АХЛОҚИЙ МЕЪЁРЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Аннотация:** Мақолада жадидчилик даври ва унинг таълимоти натижасида жамиятда маданият ва ахлоқнинг ўзига хос хусусиятлари шаклланган. Маърифатпарварлар дунё халқларининг илму урфони, маданияти билан танишиб, мустамлака ўлкани, унинг кишанларини илм чироғи билангина озодлик сари бошлаш мумкин эканлигини чуқур хис этган. Шу сабабли ҳам энг аввало жадидчилар ҳаракати деганда жамиятнинг маърифий кифоаси тушунилиши табиий ҳолатдир. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади”.

**Калит сўзлар:** маънавият, ғоя, ёшлар, жамият, ахлоқ, жадидчилик;

**Kakhorova Matluba Manafovna,  
Doctor of Philosophy, Professor, International Islamic Academy  
Nurmatova Iroda, independent researcher,  
Fergana State University**

**SPECIFIC CHARACTERISTICS OF THE MORAL  
REGULATION OF THE SOCIETY ENVIRONMENT IN THE  
DOCTRINE OF JADIDISM**

**Abstract:** As a result of Jadidism period and its teaching, specific characteristics of culture and morality were formed in the society. Enlightenment people got acquainted with the scientific tradition and culture

of the peoples of the world and deeply felt that the colonial country and its shackles can be started towards freedom only with the light of science. For this reason, it is natural to understand the enlightened image of the society by the movement of Jadidists. In this regard, there are a number of social tasks of jadidists, one of the most important of which is their practical and theoretical efforts to cultivate the moral atmosphere of society and national consciousness through the patriotism of young people. "...we need to deeply study the legacy of the Jadidist movement, our enlightened forefathers.

**Key words:** spirituality, idea, youth, society, ethics, modernity;

Жадидчиликнинг феномени шундаки, кейинги уч аср ичида бу оқим биринчи бўлиб миллий давлатчилик қуришга уринди, ягона мустақил Туркистон учун қурашди ва у миллий мустақиллик ғоясига асос солди, уйқудаги Шарқни уйғонишга ва ҳаракатланишга, озодлик, миллий ғурур, ўз буюк аجدодлари, бой маданияти ва, умуман, мустамлака тузумнинг тазйиқи остида унутилган барча қадриятларини хотирлашга ундади. Жадидлар таълимоти ўз замонасининг ҳақиқий таълимоти эди. Чунки у нафақат тараққийпарвар шахслар, балки фикрловчи ёшларни, шунингдек, барча тараққийпарвар зиёлиларни ўз кетидан эргаштира олди. Уларнинг фаолияти ва дастури келажак учун намуна бўлди. Жадидлар томонидан жамиятда пишиб етилган ижтимоий вазифаларни тадрижий-ислохотчилик тамойиллари асосида ҳал этиш ишлаб чиқилганлиги, уларнинг формацион-институционал ўзгартиришларни, мустамлака тузумни тубдан йўқотишнинг максимал даражада самарали йўллари танлай билганликлари, шубҳасиз, уларнинг тарихий хизматларидир.

Демак, жадидчилик XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистонда ҳукм сурган фавқулодда қолоқ иқтисодий, ижтимоий ва маданий шароитда яшаётган халқларни маърифатлаштириш, жамият ҳаётида ижтимоий ва маданий ислохотлар ўтказиш, пировардида, миллий мустақиллик ғояларини ҳаётга тадбиқ этиш мақсадини ўз олдига қўйган ҳаракат сифатида, тарихий

вазият тақозоси билан вужудга келган жараёндин. Жаҳон уруши давомида ўлкада иқтисодий аҳвол ёмонлаша борди. Ўлканинг маҳаллий аҳолиси ҳам сиёсий кураш жабҳасига тортилди. Жадидлар пайдо булиб келаётган миллий-демократик кучларнинг етакчиси булиб майдонга чиқдилар. Улар демократик инқилобга катта умидлар боғлаб, унинг ғояларини амалга оширишга ҳаракат қилиш билан биргаликда миллий бирликни мустаҳкамлашга киришдилар.

Профессор Б.Қосимовнинг жадидчиликка берган таърифида, “Жадидчилик – ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий, ҳам маданий ҳаракатдир. Шунинг учун ижтимоийки, у жамиятнинг барча қатламларини жалб эта олди, миллий уйғониш идеологияси бўлиб хизмат қилди. Шунинг учун сиёсийки, у мустақиллик учун кураш олиб борди... У маданий ҳаракат ҳам эди – адабиётни янгилади, матбуот ва театрчиликни йўлга қўйди, маорифда эса “янги мактаб концепцияси” билан чинакам инқилоб ясади. Энг муҳими, буларнинг барчасини ижтимоий-сиёсий мақсадларга мослаб кўриб чиқди”, деб таъкидлайди. Америкалик файласуф олим Адиб Холид жадидчилик ҳаракатлари дунёнинг бошқа мамлакатларидаги ўзгаришлар билан қандай параллел равишда кечаётганини кўрсатади ва шу билан бирга жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий тарихий жараёнда муҳим эканлигини ўрганади. Ўша давр жамиятини қиёсий ўрганиш, мустамлакачилик давридаги маҳаллий аҳолининг интеллектуал салоҳиятини, ҳаётини ўрганиш ва илк замонавий даврда билимлар қандай тарқалганини ўрганиш орқали илм-фан юксалиши жамиятдаги ахлоқий етишмовчиликларни бартараф этиш мумкин, деб таъкидлайди.

Демак, бутун ҳаётимиз, саломатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илмга боғлиқдур, дейди. Бу билан таълим-тарбия масаласининг жадид маърифатпарварларининг тарбия ҳақидаги қарашлари муҳим эканлигига эътибор қаратади. Бу масала бугунги кунда ҳам долзарб ҳисобланиб, “Таълим тўғрисида”ги қонунни амалда эканлиги, у асосида

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури давлат ва жамият учун керакли кадрларни етиштириб чиқараётганлиги гапимизни исботидир.

### АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Франк С.А. Сочинения. Серия: Классическая философская мысль. - Минск: Харвест, 2000.
2. Мирзиёев. Ш.М. Халқимиз дунёқарашида инновация муҳитини яратиш – энг муҳим вазифамиз// <http://uza.uz/oz/politics/shavkat-mirziyeev-khal-imiz-dunye-arashida-innovatsiya-mu-it-02-12-2017>.
3. Абдулла Шер, Баходир Хусанов. Ахлоқ фалсафаси. Нафосат фалсафаси. Тошкент. Университет. 2008. – Б 157.
4. М.М.Қаҳҳорова. Жамиятда маънавий-ахлоқий муҳит: муаммо ва ечимлар. Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация Автореферати Тошкент. 2012.
5. Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва баркамол ёшлар – бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Жилд 1. - Тошкент. Ўзбекистон, 2017.
6. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент. Ўзбекистон. 2021.
7. [www.uza.uz.posts.20-02-202](http://www.uza.uz.posts.20-02-202). Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 февраль куни Анқара шаҳрида Туркия Республикаси Президенти ҳузуридаги Халқ кутубхонасининг очилиш [маросимидги нутқи](#).
8. Qaxharova, M., & Tuychieva, H. (2019). Spiritual-moral environment and its basic indicators. The Light of Islam, 2019(4), 24.
9. Qaxharova, M., & Absattorov, B. M. (2020). Evolution of views on ethics, ethical criteria and ethical standards. The Light of Islam, 2020(1), 110-115.

10. Qaxharova, M., & Raximshikova, M. (2020). MORAL CONTINUITY IS A SOCIAL-PHILOSOPHICAL, HISTORICAL PHENOMENON. *The Light of Islam*, 2020(3), 103-112.

11. Nurmatova, I. (2019). A Student-Centered Approach is a Key Area of Teacher Training in the Context of Globalization and Integration of Education. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 15(1), 09-13.

12. Nurmatova, I., Shodmonova, M., Maxmuda, O., Gulsevar, K., & Durдона, S. (2021). Functional Study Of The Impact Of Tourism On The Economy. *The American Journal of Interdisciplinary Innovations Research*, 3(01), 137-141.

13. Nurmatova, I. (2022). Social Technologies of Ethical Normalization at a New Stage of Development. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(6), 18-21.

14. Nurmatova, I. (2022). The role of ethical normalization in the formation of the spiritual environment of society. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(4), 81-85.

15. Каримов, У., & Каримова, Г. (2018). ГЕОПОЛИТИЧЕСКАЯ КОНКУРЕНЦИЯ В ИНФОРМАЦИОННОМ ПРОСТРАНСТВЕ. In *Перспективные информационные технологии (ПИТ 2018)* (pp. 1368-1372).

16. Rayimov, A. A., & Karimova, G. Y. (2021). Social Aspects Of The Formation Of Social Activity In Youth. *Oriental Journal of Social Sciences*, 29-32.

17. Iroda, N., Tursunoy, E., Farangiz, I., Ergashxon, A., & Shahnoza, I. (2021). The main approaches to the study of aging and the tasks of gerontology. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(1), 1089-1092.